

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2019 йил 22 октябрь

Андижон шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди, раислик қилувчи-шаҳар судининг судьяси А.Исаков, М.Умаровнинг котиблигида, давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Х.Рахмонов, химоячи А.Рўзиохуновларнинг иштирокида,

Каримов Камрон Салиевич, 1984 йил 9 январда Андижон туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 4 нафар фарзанди бор, ишламайди, муқаддам судланмаган, Андижон тумани, Ёрбоши МФЙ, Ёрбоши кўчаси, 130-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, 228-моддасининг 3-қисмида;

Позилова Азиза Бекзодбек қизи, 1993 йил 2 августда Андижон Избоскан туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта, оиласидан ажрашган, 1 нафар фарзанди бор, ишламайди, муқаддам судланмаган, Андижон тумани, Беруний МФЙ, 15-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланганга оид 1-1701-1904/306-сонли жиноят ишини очиқ сайёр суд мажлисида Андижон шаҳар Исломобод МФЙ биносида кўриб чиқди.

Суд судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларни кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга холисона баҳо бериб, жиноят ишидаги хужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи К.Каримов Андижон тумани ХТБда бош иқтисодчи лавозимида ишлаб келиб, А.Позилова ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, гўёки А.Позилонани Андижон тумани ХТБ қарашли 53-сонли умумий ўрта таълим мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси сифатида кўрсатиб, уни 2018 йил мартдан 2019 йил февралга қадар мактабда йиллик иш ҳақлари олгани тўғрисида сохта ёзувлар киритган ҳолда 2019 йил 12 февраль кунги №-68 сонли ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани қалбакилаштирган.

Бундан ташқари, судланувчи К.Каримов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран бошқалар билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, гўёки У.Бозаровани Андижон тумани ХТБ қарашли 53-сонли умумий ўрта таълим мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси сифатида кўрсатиб, уни 2018 йил мартдан 2019 йил февралга қадар мактабда йиллик иш ҳақлари олгани тўғрисида сохта ёзувлар киритган ҳолда 2019 йил 20 февраль кунги №-448 сонли ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани қалбакилаштирган.

Бундан ташқари, судланувчи А.Позилова ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, бошқалар билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, давлат бюджет корхонасида ишламасада, қалбаки 2019 йил 12 февраль кунги №-68 сонли йиллик ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома, Х.Маннабоева номидан 2019 йил 5 март кунги №105-сонли кафиллик шартномасини “Агробанк” АТБ Андижон филиалига тақдим қилиб, банкдан йиллик 36 фоиз тўлов асосида шахсий эҳтиёжлари учун 12 ой муддатга 10.000.000 сўм миқдорда “микроқарз” кредит пул маблағларини олишга эришиб, фирибгарлик қилган.

Судланувчи А.Позилова судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2018 йил 23 июлдан Андижон шаҳар Бобуршоҳ кўчаси 38^а-уйда жойлашган “Соғломлаштириш маркази”да Зулайхо Сайдуллаева раҳбарлигида массажчи бўлиб ишлаганини, З.Сайдуллаева 2018 йил сентябрь ойида Отабек Пулатов билан шаърий никоҳдан ўтиб яшашганини, О.Пулатов ишхонага келиб-кетиб турганини, ишлаш давомида “Агробанк”да ишловчи Камрон исмли йигит келиб, улардан массаж олиб турганини, 2019 йил март ойида З.Сайдуллаева билан О.Пулатов банкдан кредит олиб ишхонани таъмирлатишмоқчи бўлишиб, Камрон билан гаплашишганини, З.Сайдуллаева у ва ҳамкасби Умида Бозоровани номига кредит олинишини айтганида, расман ҳеч қаерда ишламаслигини айтганида, у Камрон ҳужжатларини ўзи қилишини айтганини, орадан бир неча кун ўтгач, О.Пулатов кредит ҳужжатларини расмийлаштириш учун у ва У.Бозоровани “Агробанк” Андижон тумани бўлимнинг Жаҳон бозоридаги филиалига олиб борганида Камрон кутиб олиб, бир нечта ҳужжатларга имзо қўйдирганини, бироқ у ҳужжатлар билан танишмаганини, шундан кейин ишхонага қайтиб келишиб З.Сайдуллаева билан билан гаплашганида, у ўғли харбий хизматдан келганидан кейин кредит олмоқчи бўлганини, ўғли келмагани, пулларни ўз

вақтида тўлаб қўйишини айтганини, О.Пулатов кредит пулларни олиб келиб, бир қисмини З.Сайдуллаевага, бир қисмини ишхона таъмирлаш ишлари учун сарфлаганини, яна бир қисмини З.Сайдуллаевани қандайдир қарзларига берганини, кейинчалик текширишда у Агробанкдан 10.000.000 сўм миқдорида микроқарз олгани, у Андижон туманида 53-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаши ҳақида сохта маълумотнома тузилиб, ойлик иш ҳақлари ёзилгани, унга кафил сифатида Х.Маннабоева ўтганини билганини, пулларни олмаганини, Камолиддин Кучқаровни тергов даврида таниганини, у билан жиноий тил бириктирмаганини, банкга кредит пуллари тўланганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, уни жазодан озод қилишни сўрашини кўрсатди.

Судланувчи К.Каримов судда, Андижон тумани ХТБнинг марказлашган бухгалтерия бўлимида иқтисодчи лавозимида ишлаб келганини, хизмат вазифаларига бириктирилган ўрта таълим мактабларининг ишчиларини ойлик иш ҳақларини режалаштириш ва ҳаражатлар сметасини тузиш, ойлик ҳисоботларни таҳлил, ажратилган ойлик иш ҳақларини назорат қилиб боришдан иборат бўлиб, раҳбар кўрсатмасига асосан, мактабларни штатлар жадвалини ва ўқитувчи ходимларни тарификациясини тузиш юклатилганини, “Агробанк” АТБда ишловчи Камронбекни анчадан буён танишини, 2019 йил март ойида олдимга Камрон келиб, таниш опахонлари борлигини, улар у ишлаб келаётган агробанкдан микроқарз кредит маблағлари олишаётгани, уларга гўёки макбатда ўқитувчи бўлиб ишлашаётгани, 2018 йилдан 2019 йил март ойига қадар ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотнома қилиб беришини илтимос қилиб, қилиб берса унга ҳам банкдан кредит маблағлари олиб беришини айтганида, рози бўлиб, кейинчалик таниган Афруза Полвонова ва Умида Бозороваларни фуқаролик паспортларини нусхаларини олиб келиб берганидан кейин ХТБ бўлимидаги ҳисобхонада бўлган компьютер тизими орқали “Узасбо” дастурига кириб, Андижон тумани ХТБга қарашли 53-сонли умумтаълим мактабини ойлик иш ҳақи маълумотномаларини намунавий шаклига кириб, маълумотномалардаги тепа қисмида бўлган исм ва шарифини ўчириб юбориб, А.Позилова ва У.Бозоровани фамилия, исми ва шарифларини алоҳида-алоҳида маълумотномаларга киритиб, гўёки уларни Андижон тумани ХТБга қарашли 53-умумтаълим мактабда бошланғич синф ўқитувчилари эканлиги ҳамда улар 2018 йил январдан 2019 йил мартга қадар ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотномани қалбаки равишда тайёрлаб, имзо қўйиб, раҳбар Н.Кашкабаева ва бош ҳисобчи Д.Даминовларга имзо қўйдириш, шунингдек маълумотномаларга ХТБнинг штамп ва юмалоқ муҳрини бостириш мақсадида шанба кунлари бу каби ва бошқа маълумотномаларга раҳбар ва бош ҳисобчилар имзо чекишгани сабабли уларга билдирмасдан ҳисобхонада тўпланган ҳужжатлар орасига солиб қўйиб, имзолатиш учун киритиб юбориб, маълумотномалар имзоланиб, муҳр ҳамда штамп босилган ҳолда қайтиб чиққанидан кейин маълумотномаларга штамп санаси ва чиқиш рақамларини ўзи ёзиб қўйиб,

Турсунбоев Камронбекка бериб юборганини, кейинчалик текширишда маълумотномалар қалбаки экани аниқланганини, А.Позилова ва У.Бозоровани судда таниганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қонуний енгиллик беришни сўрашни кўрсатди.

Фукаровий даъвогар Н.Мўйдинов судда, “Агробанк” АТБ Андижон филиали юрист консулт бош мутахасис лавозимида ишлаб келишини, банк томонидан жисмоний шахсларга 4 хил турдаги кредит маблағлари ажратиб берилганини, банк томонидан бир йил муддатга йиллик 36 фоиз устама тўлаш шарти билан йиллик иш ҳақини тенг ёрми миқдорда берилиши лозим бўлган “Микрокарз” кредит турларига кириб, мазкур кредит маблағларини ажратилиши учун, миждознинг паспорт нусхаси, йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумот, ИНН рақами, бюджет ташкилоти ходимининг аризаси ва кафиллик ойлик иш ҳақидаги маълумотномаси асосида миждоздан ариза қабул қилиб, тегишли тартибда кредит шартномаси тузилганидан сўнг миждозга нақд пул шаклида ёки уни номига очилган банк пластик картасига пул маблағлари ўтказиб берилиши, миждозга ушбу турдаги кредит маблағлари ажратилиши учун кредит шартномаси банк томонидан ўрганилиб, шартнома шартлари тўғри тузилган ёки тузилмагани юзасидан хулоса қилиб берилиши, мазкур кредит мақсадсиз миждозга топширилиши, У.Бозорова ва А.Позилвалар номига 2019 йил 5 мартдаги кредит шартномасига кўра 10.000.000 сўмдан кредит маблағлари ажратилган бўлиб, мазкур пул маблағлари, ҳужжатларда пул маблағлари миждозларга тақдим қилингани, кредит йиғмажилдлари банк ходими К.Турсунбоев томонидан юритилган бўлиб, у томондан расмийлаштирилгани, ушбу ҳужжатлар сохта бўлгани ҳақида маълумот бўлмагани сабабли, кредитлар ажратилгани, К.Турсунбоев ишга чиқмай қўйганини, кейинчалик текширувда А.Позилова, У.Бозороваларни мактабда ишламаслиги, сохта маълумотнома тузилгани аниқланганини, ҳозирда кредит маблағлари тўлиқ қопланганини кўрсатди.

Гувоҳ Х.Маннабаева судда, Андижон тумани Хакан ҚФЙ Дархон МФЙ масъул котибаси лавозимида ишлаб келишини, 2019 йилнинг баҳор ойларида “Халқ банки” Андижон тумани бўлимида йиллик 8 фоизлик кредит маблағларини олиш мақсадида тегишли ҳужжатларни топширганини, ўша пайтда Андижон тумани ҳокимлигидан ойлик иш ҳақи маълумотномасини олиб топширганини, лекин кредит олиш зарурияти тугагани сабабли олишдан бош тортганини, “Агробанк” АТБ Андижон тумани филиалидан бўлса, бирон марта ҳам кредит маблағлари олмаганини, кредит олмоқчи бўлган шахсларга нисбатан кафил сифатида ўтмаганини, тергов даврида тақдим қилинган ҳужжатларда у гўёки, Афруза Полвонова томонидан олиниши керак бўлган кредит маблағлари учун кафил сифатида ўтгани кўрсатилиб, кафиллик шартномаси расмийлаштирилганини, ундаги имзолар унга тегишли эмаслигини, А.Позилова умуман танимаслиги, “Агробанк” Андижон тумани филиали ходими Камронбекни танишини, у МФЙда ишлаб келгани сабабли мониторинга келиб турганини кўрсатди.

Гувоҳ Н.Қашқабоева судда, Андижон тумани ХТБ раҳбари вазифасида 2017 йил июлдан ишлаб келишини, хизмат вазифаларига Андижон тумани халқ таълим тасарруфидаги 56 дона умумтаълим мактаблари ва 1 дона баркамол авлод маркази ҳамда халқ таълим бўлими аппарати ходимлари ва уларни фаолиятини умумий назоратини амалга ошириш ва улар фаолиятига раҳбарлик қилиш киришини, ХТБда марказлашган бухгалтерия бўлими бўлиб, бўлим ўз таркибига учта бўлинмаларни қамраб олиши, яъни мулк жиҳоз гуруҳи, ҳисоб-китоб гуруҳи ва шартномалар гуруҳидан иборатлиги, туман ХТБга қарашли бўлган ўрта таълим мактаблари ёки аппарат ходимларини иш ҳақи ойлик маълумотномалари ҳафтанинг ҳар шанба кунлари ёзиб берилиши белгиланган бўлиб, мазкур маълумотномалар бухгалтерия бўлимининг мактабларга бириктирилган ходими томонидан интернет ижтимоий тармоғи орқали махсус дастур орқали олиниб, ижрочи ходим томонидан имзоланиши, кейин бош ҳисобчи ёки уни ўринбосари ва ундан кейин у имзолаши, ўтказилган текширишда А.Позилова ва У.Бозоровалар номига, гўёки улар Андижон тумани ХТБга қарашли бўлган 53-сонли ўрта таълим мактабида ишлаб келиши мазмунидаги ойлик иш ҳақи маълумотномалар қалбаки равишда тайёрланганини билганини, мактаб ўқитувчилари томонидан кредит олинаётгани сабабли ҳар бир кредит олаётган ўқитувчига маълумотнома берилганидан сўнг мабодо ишдан чиқиб кетса, кредит пулларини ўзи тўлаши, ишлаб келган мактаби ва ХТБга муаммо бўлмаслиги ҳақида тилхат ёздириб, аризасига илова қилиб, сақлаб келишлари, А.Позилова ва У.Бозороваларни аризаларини топиша олишмаганини, кейинчалик ушбу ишларни Камолдин Кучкаров соҳталаштирганини билишганини, ҳозирда у ишдан ҳайдалганини, маълумотномалардаги уни номидан бажарилган имзо ҳақиқатдан ҳам унга тегишли экани, имзосини муҳр шаклда 10 йил илгари тасдиқлатиб олганини, мазкур имзо шаклидаги муҳр шахсан ўзига бириктирилган бўлиб, хизмат хонасида мавжуд бўлган темир сейфда ёки ёнида сақлаб келганини, ХТБнинг гербли шаклидаги муҳри 2018 йил 3 январдан бошлаб, буйруғига асосан котиба Д.Шералиевага бириктирилганини, шанба куни хизмат билан боғлиқ бошқа вазифаларни бажариш билан банд бўлгани сабабли, имзо шаклидаги муҳрини Д.Шералиевага топшириб кетишини, чунки унга ишонганини, 68 ҳамда 448-сонли чиқиш рақамлари уларда қайд қилинмаганини, У.Бозорова, А.Позиловаларни танимаслигини кўрсатди.

Гувоҳ У.Бозорова судда, Андижон шаҳар Бобуршоҳ кўчаси 38^а-уйда жойлашган “Соғломлаштириш маркази”да Зулайхо Сайдуллаева раҳбарлигида массажчи бўлиб ишлаганини, З.Сайдуллаева 2018 йил сентябрь ойида Отабек Пулатов билан шаърий никоҳдан ўтиб яшашганини, О.Пулатов ишхонага келиб-кетиб турганини, ишлаш давомида “Агробанк”да ишловчи Камрон исмли йигит келиб, улардан массаж олиб турганини, 2019 йил март ойида З.Сайдуллаева билан О.Пулатов банкдан кредит олиб ишхонани таъмирлатишмоқчи бўлишиб,

Камрон билан гаплашишганини, З.Сайдуллаева у ва ҳамкасби Афруза Полвоновани номига кредит олинисини айтганида, расман ҳеч қаерда ишламаслигини айтганида, у Камрон ҳужжатларини ўзи қилишини айтганини, орадан бир неча кун ўтгач, О.Пулатов кредит ҳужжатларини расмийлаштириш учун у ва А.Позилловани “Агробанк” Андижон тумани бўлимининг Жаҳон бозоридаги филиалига олиб борганида Камрон кутиб олиб, бир нечта ҳужжатларга имзо қўйдирганини, бироқ у ҳужжатлар билан танишмаганини, О.Пулатов кредит пулларни олиб келиб, бир қисмини З.Сайдуллаевага, бир қисмини ишхона таъмирлаш ишлари учун сарфлаганини, яна бир қисмини З.Сайдуллаевани қандайдир қарзларига берганини, кейинчалик текширишда у Агробанкдан 10.000.000 сўм миқдорида микроқарз олгани, у Андижон туманида 53-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаши ҳақида сохта маълумотнома тузилиб, ойлик иш ҳақлари ёзилгани, пулларни олмаганини, Камолиддин Кучқаровни тергов даврида таниганини, у билан жиноий тил бириктирмаганини, банкга кредит пуллари тўланганини кўрсатди.

Судланувчилар А.Позилова, К.Каримовларнинг айблари булардан ташқари текшириш маълумотномаси, юзлаштириш баённомалари, суд-хатшунослик экспертизаси хулосаси, ашёвий далиллар ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланади.

Суд, судланувчи А.Позилова К.Каримов билан бир гуруҳ бўлиб, расмий ҳужжатларни сохталаштириб, бошқалар билан бир гуруҳда фирибгарлик қилганликдан иборат ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган, К.Каримовнинг бир гуруҳ бўлиб, расмий ҳужжатларни сохталаштирганликдан иборат ҳаракатлари ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган бир вазиятда, А.Позилова ва К.Каримовларга ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан ортиқча айблов эълон қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 1-қисмида сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиши жавобгарлик назарда тутилган.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи К.Каримов А.Позилова билан жиноий тил бириктириб, А.Позилловани Андижон тумани ХТБ қарашли 53-сонли умумий ўрта таълим мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси сифатида кўрсатиб, уни 2018 йил мартдан 2019 йил февралга қадар мактабда йиллик иш ҳақлари олгани тўғрисида сохта ёзувлар киритган ҳолда 2019 йил 12 февраль кунги №-68 сонли ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани қалбакилаштирган, ушбу қалбаки ҳужжатни бошқа шахсга фойдаланиши учун бермагани, уларнинг мақсади ушбу ҳужжатлар

асосида кредит олиш бўлгани, уларнинг харакатлари умумий қасд билан камраб олингани ва ягона мақсадга йўналтирилгани боис К.Каримов А.Позиловаларнинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисмини чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 2-бандида ЖКнинг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги, 3-бандида ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 71-моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Судланувчи К.Каримовга жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ва паст ниятларда содир этгани ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи К.Каримовга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасидаги “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақидаги нормаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорларида белгиланган раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноятни паст ниятларда содир этганини, жиноятнинг хусусияти ва турини, ижтимоий хавфлилик даражасини, уни шахсини алоҳида эътиборга олиб, унга айбли деб топилган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари тайинлашни;

судланувчи А.Позиловага нисбатан жазо тайинлашда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, кечирим сўраганини, биринчи марта судланаётганини, аёллигини, қарамоғида бир нафар фарзанди борлигини,

етказилган зарар тўлиқ қопланганини, жиноятнинг хусусияти ва турини, ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноятдан кейинги намунали хулқини, меҳнатга ҳалол муносабата бўлаётганини, уни шахсини алоҳида эътиборга олиб, жиноятни очилишига фаол ёрдам берганини назарда тутиб, уни ЖКнинг 71-моддасига асосан жазодан озод қилишни лозим топади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473 моддаларига асосан

ҳ у к м қ и л а д и:

Каримов Камрон Салиевичнинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисми чиқарилсин.

К.Каримов Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбли деб топилсин.

К.Каримовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шarti билан 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилиб, ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Позилова Азиза Бекзодбек қизининг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисми чиқарилсин.

А.Позилова Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилсин.

А.Позилова Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 71-моддаси 1-қисмига асосан жазодан озод қилинсин.

Эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчилар ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, 10 сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

А.Исаков

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,
раислик қилувчи

А.Исаков